

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирининг 2016 йил 10 майдаги  
121-сонли бўйругига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасалари учун  
2016-2017 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа**

№	Ўқув фанлари	Синфлар									Хафталик умумий соат
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	
	Давлат ихтиёридаги соатлар	22	24	26	26	30	32	33	34	35	262
1	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	5	67
2	Ўзбек тили/рус тили		2	2	2	2	2	2	2	2	16
3	Чет тили	2	2	2	2	3	3	3	3	3	23
4	Тарих					2	2	3	3	3	13
5	Давлат ва хуқуқ асослари								1	1	2
6	Иқтисодий билим асослари								1	1	2
7	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	45
8	Информатика								1	2	3
9	Физика						2	2	2	2	8
10	Кимё							2	2	2	6
11	Биология					1	2	2	2	2	9
12	Табиёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	13
13	Одабнома	1	1	1	1						4
	Ватан туйғуси					1	1				2
	Миллий истиқтол ғояси ва маънавият асослари								1	1	1
14	Мусиқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1			7
15	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1			7
16	Чизмачилик								1	1	2
17	Меҳнат	1	1	1	1	2	2	2	1	1	12
18	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18
	Мактаб ихтиёридаги соатлар	0,5				0,5	0,5	1	0,5	2	5
	Умумий соатлар	22,5	24	26	26	30,5	32,5	34	34,5	37	267
	Амалий меҳнат машғулоти (кун хисобида)					6	6	10	16		

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирининг 2016 йил 10 майдаги  
121-сонли буйругига 2-илова

## **Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасалари учун 2016-2017 ўкув йилига мўлжалланган таянч ўкув режасига ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875- сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли, 1999 йил 16 августдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 390-сонли, 2012 йил 15 майдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартига ўзгартиришлар киритиш ҳақида” 130-сонли, 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Санитария қоидалари ва меъёрлари (СанҚвам) асосида тузилган.

Таянч ўкув режа таркибан давлат ва мактаб компонентларидан иборатdir. Давлат компонентига ажратилган фанлар Давлат таълим стандартлари асосида тузилган дастурларга биноан ўқитилади.

1. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда “Рус тили” фани, таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда “Ўзбек тили” фани ҳафтасига икки соатдан 2-синфдан бошлаб ўқитилади.

2. Таълим қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани ўқувчилик ва уларнинг ота-оналари хоҳишига қараб 2-9 синфларда, “Она тили ва адабиёти” фанидан 1 соат олиниб 2-синфдан бошлаб ўқитилиши мумкин.

3. “Жаҳон тарихи” фани 7-9-синфларда 1-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 1-соатдан;

“Ўзбекистон тарихи” фани 7-9-синфларда 1-ярим йилликда ҳафтасига 1 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан ўқитилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-1322-сонли фармойиши асосида 1-4-синфларда “Конституция алифбоси” курси “Одабнома”, “Ўқиши”, “Табиатшунослик”, “Атрофимиздаги олам” каби фанлар таркибида 10 соатдан ўқитилади;

5-6-синфларда “Конституция оламига саёҳат” курси “Ватан туйғуси” фанидаги мавжуд тақрорланишлар ҳамда тақрорлаш ва назорат ишларини

ўтказиш учун ажратилган соатлар ҳисобидан алоҳида дастур асосида 17 соатдан ўқитилади;

7-синфда 17 соат ҳажмида мактаб компоненти ҳисобидан ўқитилади. Бу машғулотлар дарс жадвалига киритилиши ва синф журналида алоҳида бет ажратилиши лозим.

Мазкур дарсларнинг мазмунида “Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун, “Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги”ги 182-конвенция, “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-конвенция тўғрисида, ўқувчиларнинг ёшига мос равища, тушунчаларни бериш тавсия этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий қўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги 364-сонли қарорига мувофиқ “Динлар тарихи” курсидан дастлабки умумий тушунчалар, ўқувчиларнинг психологик, физиологик ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда:

1-4-синфларда 17 соатдан, жами 68 соат “Одобнома”, “Атрофимиздаги олам”, “Ўқиши”, “Мехнат”, “Табиатшунослик” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

5-синфда 17 соат “Тарих”, “Адабиёт”, “Ватан туйғуси” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

6-синфда 17 соат “Тарих”, “Адабиёт”, “Ватан туйғуси” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

7-синфда 17 соат “Тарих”, “Адабиёт”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

8-синфда 17 соат “Тарих”, “Адабиёт”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

9-синфда мактаб компоненти ҳисобидан 34 соат ўқитилади.

6. “Иқтисодий билим асослари”, ўқувчиларнинг психологик, физиологик ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда:

1-4-синфларда “Иқтисод ва солиқ алифбоси” курсининг ўқув материаллари “Она тили”, “Ўқиши”, “Математика”, “Атрофимиздаги олам”, “Мехнат” фанлари таркибида, синфлар кесимида 10 соатдан жами 40 соат;

5-7-синфларда “Иқтисод ва солиқ сабоқлари” ўқув курслари “Математика”, “Физика”, “География”, “Тарих”, “Ватан туйғуси”, “Мехнат” фанлари таркибида синфлар кесимида 17 соатдан жами 51 соат;

8-9-синфларда эса алоҳида фан сифатида ўқитилади.

7. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарслерлар ва ўқув кўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси мажлисининг 15.09.2006 йилдаги 07/1-356-сонли, 16.08.2007 йилдаги 07/1-356-сонли, 15.08.2008 йилдаги 07/1-356-сонли баёнларига асосан

информатика фани 5-7-синфларда мактаб компоненти ҳисобидан 0,5 соатдан, жами 51 соат ўқитилади.

8. Айрим фанлар чуқур ўқитилишга ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасаса(синф)ларда ўқишиларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 173-сонли ва 2011 йил 9 сентябрдаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 254-сонли қарорлари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 11 июндаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг таянч ўқув режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 173-сонли буйруғи билан тасдиқланган фанларни чуқур ўқитиш бўйича намунавий ўқув режалари ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим маркази томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

Мазкур намунавий ўқув дастурлари асосида, фанларни чуқур ўрганиш бўйича муаллифлик ўқув дастурларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим маркази билан келишган ҳолда мустақил ишлаб чиқиши, тасдиқлаш ва амалга ошириш мумкин.

9. “Йўл ҳаракати қоидалари”ни ўргатиш учун:

1-синфда мактаб компоненти ҳисобидан ҳафтасига 0,5 соат ажратилиб, синф журналида алоҳида сахифада ўтилган мавзулар қайд этилади;

2-8-синфларда бу машғулотлар тасдиқланган дастур асосида бошланғич синф ўқитувчилари ва синф раҳбарлари томонидан тарбиявий соатлар ҳисобидан ўтилади. Бу машғулотлар ўқитувчиларнинг педагогик юкламаси сифатида инобатга олинади. “Йўл ҳаракати қоидалари” машғулотлари 2-8-синфларда дарс жадвалига киритилади ва ўтилган мавзулар синф журналида тарбиявий соатлар учун ажратиладиган сахифада қайд этиб борилади.

10. “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” машғулотлари 1-4-синфларда “Жисмоний тарбия”, “Одобрение”, “Атрофимиздаги олам” фанлари таркибида 17 соатдан, 5-9-синфларда “География”, “Биология”, “Кимё”, “Физика”, “Мехнат таълими”, “Ватан туйғуси” ва “Миллий истиқбол тоғаси ва маънавият асослари” фанлари дастурлари таркибида синфлар кесимида 17 соатдан ўтилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарини узлуксиз таълим тизимида ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-360 сонли фармойиши асосида мактаб компоненти ҳисобидан биринчи ярим йилликда 10 соат, Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 декабрдаги 297-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари мактаб компоненти ҳисобидан 2-ярим йилликда 12 соат хажмида 9-синфда ўқитилади.

12. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-4-синфларида “Саломатлик дарслари” ўқув курси “Одобрение”, “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик”,

“Жисмоний тарбия” ва “Ўқиши” фанлари таркибига, 5-7- ва 9-синфларда “Соғлом авлод асослари” ўқув курси “Биология”, “Жисмоний тарбия”, “Мехнат таълими” фанларига интеграция қилинган ҳолда ўқитилади.

8-синфда мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан йилига 17 соат ўқитилади.

Давра сұхбатларига мутахассис сифатида тиббий ходимларни таклиф этиш тавсия этилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳузыридаги Республика таълим маркази томонидан ишлаб чиқилган “Тежамкорлик сабоқлари” ўқув-тарбиявий машғулотлари дастури асосида машғулотлар, ўқувчиларнинг психологик, физиологик ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий ўқув юкламасининг меъёрларига риоя қилиниб, 1-9-синфларда 17 соатдан фанлар бүйича дарс мавзулари замирида, тўгарак машғулотларида, тарбиявий соатларда, синфдан ташқари машғулотларда, эккурсияларда сингдириб ўтиш тавсия этилади.

14. Малакали ўқитувчилар ва зарур шароитларга эга бўлган умумий ўрта таълим муассасаларида (шаҳар жойларида синфдаги ўқувчиларнинг сони 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ жойларида эса 20 ва ундан ортиқ бўлган тақдирда) қуидаги фанларни ўқитишда синф ўқувчилари икки гурухга бўлинади:

1-9-синфларда чет (инглиз, немис, француз ва бошқа) тили дарсларини ўтишда;

таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган умумий ўрта таълим муассасаларининг 2-9-синфларида ўзбек тили дарсини ўтишда;

таълим рус тилида олиб борилмайдиган умумий ўрта таълим муассасаларининг 2-9-синфларида рус тили дарсини ўтишда;

5-9-синфларда “Информатика” фани дарсларини ўтишда;

амалдаги давлат таълим стандартларига кўра (УЎТДТС тўплами, 1999 йил 4-сони, 312-бет ҳамда 6-сони, 176-бет) умумий ўрта таълим муассасаларининг 8-9-синфларида ўқувчилар сони шаҳар мактабларида 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ мактабларида 20 ва ундан ортиқ бўлса, жисмоний тарбия дарсларини ўтишда (ҳар бир гуруҳда ўғил ёки қиз болалар саккизтадан кам бўлмаса) қиз ва ўғил болалар гурухларига ҳамда 5-9-синфларида меҳнат дарслари шу синфдаги ўқувчиларни икки гурух (ўғил ва қиз болалар)га ажратган ҳолда алоҳида дастурлар асосида олиб борилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кенгашининг 2003 йил 4 июндаги йиғилиши баёнининг 3-бандини бажариш мақсадида 5-9-синфларда қўшимча машғулотлар спорт секциялари тарзида ўтказилади.

16. Таълим қорақалпоқ, рус, қозоқ, тоҷик, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган умумий ўрта таълим муассасаларида мактаб педагогик кенгашининг қарорига биноан айrim фанлар ва курслар ўзбек тили(давлат тили)да ўқитилиши мумкин.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг умумий ўрта таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш шароитларига қўйиладиган талаблари (СанҚиМ №0102-00) асосида ўқув йили 1-синфда 33 ҳафта,

2-9-синфларда 34 ҳафта белгиланган.

Мактабда ўқув йили 2016 йил 2 сентябрда бошланади ва 2017 йил 25 майда тугалланади.

Ўқув йили мобайнида таътиллар:

кузги таътил – 2016 йил 4 ноябрдан 6 кун;

қишики таътил – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 22 декабрдаги ПФ-517-сонли Фармонига кўра 2016 йил декабрь ойининг охирги 4 куни ва 2017 йил январь ойининг биринчи ўн кунлиги мобайнида;

баҳорги таътил – 2017 йил 21 марта 7 кун;

ёзги таътил – ўқув йили (имтиҳонлар) тугаган кундан бошлаб 2017 йил 31 авгуастгача давом этади.

1-синф ўқувчилари учун февраль ойи ичидаги бир ҳафталик қўшимча таътил берилади.

18. Ўқув машғулотлари байрам кунларига тўғри келганда ўқитувчилар машғулот мавзуларини кейинги дарсларда ўқув дастурини ихчамлаган ҳолда ўтадилар. Мавзулар синф журналига ўтилган дарс мавзуси билан қўшиб ёзилади.

19. Мазкур таянч ўқув режа ва тушунтириш хати асосида ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаси 2016-2017 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режа ва тушунтириш хатини ишлаб чиқади ва август ойидаги педагогик кенгашнинг қарори билан тасдиқлайди.

20. Ўқув йили якунидаги 5-8-синф ўқувчиларининг меҳнат қўнималарини шакллантириш ва касбга йўналтириш мақсадида маҳсус ишлаб чиқилган, отоналар ва маҳалла қўмиталари раислари билан келишилган, мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида амалий меҳнат машғулотлари:

5-6-синфларда 6 кун 4 соатдан;

7-синфда 10 кун 4 соатдан;

8-синфда 16 кун 4 соатдан бевосита мактабда, идора ва корхоналарда, Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 3 ноябрдаги 159-сон буйруғи билан тасдиқланган Йўриқномага қатъиян риоя қилган ҳолда ўтказилади.

21. Барча турдаги давлат умумий ўрта таълим муассасаларида мазкур ўқув режа давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилади.

Ф.Ахмедов,

Ш.Эргашев,

Т.Султонов,

И.Зокиров

Тел: 239-43-28, 239-14-70,

239-13-41,

239-11-40